

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети
илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори
Г. Абдурахманова

“20” *октябрь* 2021 йил



08.00.04 — “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

иختисослиги бўйича таянч докторантурага кириш имтиҳони

ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ – 2021

Дастур Тошкент давлат иктисодиёт университетининг 2021 йил “_____” даги
Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган

Дастур Тошкент давлат иктисодиёт университети Сиртки бўлим “Иктисодиёт”
кафедрасининг 2021 йил “05.10” даги “6” – сонли мажлисида муҳокама
қилинган ва тасдиқланган.

Кафедра мудир:



Я. Алиев

Тузувчилар:

и.ф.д., проф. Алиев Я.
и.ф.д., проф. Салимов Б.
и.ф.д., проф. Иватов И.
и.ф.н., доц. Тошматов Р.
и.ф.н., доц. Абдуллаева С.
и.ф.н., доц. Имомов Ж.

Тақризчилар:

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш
маркази Бош илмий котиби, иктисод фанлари доктори,
профессор Хушматов Н.С.

ТДИУ “Менежмент ва маркетинг” кафедраси доценти,
иқтисодиёт фанлари доктори Бойхонов Б.Т.

КИРИШ

Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг аҳамияти улкан. Чунки унда республика ялпи ички маҳсулотининг учдан бир қисмига, озиқ-овқат маҳсулотларининг 95-97 фоизга яқини яратилмоқда. Давлат миқёсидаги жами валюта тушумининг ярмидан ортиғи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳисобига олинмоқда. Эндиликда қайта ишлаш саноатининг юксалиши, аҳоли сонининг ўсиши, ташқи бозор талабининг ўзгариши экологик талабларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш жараёнлари янада ривожлантирилишини объектив равишда тақазо этмоқда. Шунинг учун ҳам тармоқни ривожлантириш ва самарадорлигини юксалтириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадларини камида 2 баробар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатларини камида 5 фоизга етказиш режалаштирилмоқда” деб таъкидлади¹.

Жумладан, келгусида қишлоқ хўжалигида давлат аралашувига тўлиқ барҳам берилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни саноат босқичига олиб чиқиш кўзда тутилган” - Бу масалаларнинг илмий ҳамда амалий асосларини яратишда, ривожлантиришда, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос, халқимизнинг миллий хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ривожлантириш учун тармоқда эркин фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлган турли хилдаги мулк ва мулкчилик шаклларининг, уларга асосланган тадбиркорлик турлари ва улар ўртасидаги эркин бозор муносабатларининг назарий, услубий асосларини теранлаштириш, такомиллаштириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан-техника ютуқларини, янги техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, доимий ва ўзгарувчи капиталдан ҳамда меҳнат ресурсларидан қисқа ва узок муддатларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўлларини аниқ белгилаш, барча қаражатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш негизида фойда суммасини кўпайтириш йўлларини асосланган ҳолда белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Ш.М.Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2021 й. 464 бет.

Асосий қисм

1. Аграр иқтисодий ислохотлар ва уларнинг асосий йўналишлари

Республика аграр иқтисодий ислохотларни амалга ошириш сиёсати концепцияси ва принциплари. Аграр-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш босқичлари. Аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурларни амалга ошириш. Қишлоқ хўжалигида бошқарув тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиши. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни бошқариш структуралари ва функциялари. Агросаноат тузилмаларида бошқаришни ташкил этиш. Ер ислохоти, унинг амалга оширилиши. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. Молия, кредит, солиқ ва баҳолар ислохоти.

Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти. Аграр ислохотларни устувор йўналишлари. Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ижтимоий меҳнат тақсимотининг муҳим шакли эканлиги. Жаҳон, республика қишлоқ хўжалигини мақсадга мувофиқ жойлаштиришнинг, ривожлантиришнинг зарурлиги ҳамда мумкинлиги. Бу борада ҳукуматнинг сиёсати. Қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ҳақида тушунча, унинг мақсади ва тамойиллари. Қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш ҳақида тушунча, ҳозирги даврда унинг мақсади, вазифалари, тамойиллари. Ихтисослаштириш турлари, уларнинг самарадорлиги.

2. Республика агросаноат мажмуаси, уни ривожлантириш имкониятлари

Ўзбекистон Республикасининг агросаноат мажмуасини барпо этишнинг зарурлиги, мумкинлиги. Унинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослари. Уларнинг ҳолати, муаммолари. Республика агросаноат мажмуасининг мақсади, вазифалари ҳамда таркиби, бўғинлари. Мажмуа таркибидаги бўғинларнинг мақсади, вазифалари, уларнинг ҳал этилиш йўллари. Бўғинлараро ташкилий, таркибий, иқтисодий узвий боғлиқлик. Мамлакат агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқлар учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи тармоқлар, уларнинг ўзига хос хусусияти мақсад ҳамда вазифалари, уларни ҳал этиш йўллари.

Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг асосий ва марказий бўғинлиги. Тармоқнинг мақсади, вазифаси, уни ҳал этиш масалалари. Агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқларга, айниқса, қишлоқ хўжалигини ривожланишини таъминлашга хизмат кўрсатувчи бўғин, унинг таркиби, мақсади ҳамда вазифалари. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва иш маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб берувчи бўғин, унинг таркиби, мақсад ва вазифалари. Мажмуа таркибидаги тармоқлараро ҳуқуқий, ташкилий,

иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, уларнинг эркин бозор муносабатлари талабига мослиги.

3. Қишлоқ хўжалигида мулк ва тадбиркорлик шакллари, уларнинг бозор ривожланиши

Қишлоқ хўжалигида бозор иқтисоди шароитида турли хилдаги мулкчилик турларини барпо этишнинг зарурлиги. Мулккий ислохотлар. Турли шаклдаги мулк турларининг шакллантирилиши. Жамоа, хусусий, шахсий, давлат ва аралаш мулк турлари. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик шакллари. Мулккий муносабатлар. Эркин бозор иқтисоди талаблари ва чет эл тажрибалари.

Хусусий ва шахсий мулк унга асосланган тадбиркорлик шакллари. Қишлоқ хўжалигидаги хусусий ва шахсий корхоналар. Дехқон, томорка ва фермер хўжаликлари ҳамда агрокластерлар мулклари. Уларнинг ҳозирги даврдаги ҳолати қишлоқ хўжалигидаги кўшма мулк ва унга асосланган кўшма корхоналар. Чет элдаги илғор тажрибалар. Давлат мулки ва унга асосланган хўжаликлар. Қишлоқ хўжалик кооперативлари, (агрофирмалар). Қишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисодиётни шаклланиши, ривожланиши.

4. Ер-сув ресурслари, инқироз шароитида улардан фойдаланиш масалалари

Ер-сув ресурсларининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ва хусусиятлари, уларнинг майдони таркиби, фойдаланувчилар бўйича тақсимланиши. Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби. Ердан, сувдан фойдаланишни самарадорлиги, уни ошириш йўллари. Ер мониторинги ва давлат ер кадастри.

Республиканинг ер-сув фонди. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер-сув ресурслари, уларнинг иқтисодий – ижтимоий аҳамияти. Суғоришга асосланган деҳқончилик. Ер-сув ресурслари, уларнинг миқдори, турлари, таркиби. Суғориладиган ерлар миқдори, сифати. Ер ресурсларига бўлган талаб, уларнинг чекланганлиги. Ўтиш даврида қишлоқ хўжалигида шаклланаётган ер муносабатлари. Ер-сув муносабатларининг ҳуқуқий асослари. Ер-сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишга оид ҳукуматнинг чора-тадбирлари. Ер-сувдан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. Ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги даражаси. Қишлоқ хўжалик ерларини баҳолаш. Ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга оширишда давлатнинг роли. Ер-сув ресурсларидан фойдаланиш даражасини, самарадорлигини ошириш йўллари. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси. Алмашлаб экиш, унинг тупроқ унумдорлиги ошишига таъсири. Сув ислоҳоти сувдан фойдаланишнинг ҳавза усули. Янги ерларни комплекс ўзлаштириш.

Янги суғориш усуллари, техникаларни жорий этиш. Ер-сув ресурсларидан фойдаланишни рағбатлантириш.

5. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари, фан-техника тараққиёти, инновацион технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш

Моддий-техника ресурслари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти, хусусиятлари ва туркумлаштирилиши. Фан-техника тараққиёти, унинг йўналишлари, самарали технологиялар. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик ҳамда улардан фойдаланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурсларини шакллантириш, бундай воситалар бозори, техника тараққиётини жорий этиш, улардан самарали фойдаланиш.

Давлатнинг инновацион сиёсати. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти, хусусиятлари ва туркумлаштирилиши. Инновацион тараққиёт. Инновацион технологиялар. Моддий-техника ресурсларининг хусусиятлари. Ер ресурслари. Инновацион тараққиётнинг йўналишлари. Фан-техника тараққиётига оид чет эл илғор тажрибалари. Илғор, самарали технологиялар бозори. Илғор, самарали технологиялар турлари. Ҳозирги даврда инновацион технологиялар ва моддий-техника ресурслари бозори. Моддий-техника ресурсларидан оқилона, тўлиқ ва самарали фойдаланиш. Илғор, интенсив технологияларни қўллаш. Моддий-техника ресурсларини баҳоланиши. Қишлоқ хўжалигини механизациялашганлик, электрлашганлик, автоматлаштирилганлик ҳамда кимёлаштирилганлик даражаси. Моддий-техника ресурсларидан фойдаланишда. Замонавий, самарали, экологик жиҳатдан фойдали ҳисобланган техникаларни, кимёвий воситаларни, ёқилғиларни, технологияларни яратиш. Инновацион тараққиётни таъминлаш масалалари.

6. Қишлоқ хўжалигининг асосий ва айланма воситалари, фондлари ва улардан самарали фойдаланиш

Асосий ва айланма воситалар ҳақида тушунча, уларнинг иқтисодий мазмуни. Қишлоқ хўжалигининг асосий ва айланма фондлари, уларнинг аҳамияти. Доимий ва ўзгарувчан капитал. Асосий ва айланма воситалар, фондларнинг активларни ишлаб чиқаришда қатнашиши бўйича гуруҳланиши. Асосий ва айланма воситаларни баҳолаш. Асосий ва айланма воситалар таркиби. Асосий ва айланма воситалардан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар. Ҳозирги даврда асосий ва айланма воситалар бозори. Асосий воситалар ижараси. Корхонанинг молиявий маблағлари. Айланма капитал. Четдан жалб этилган маблағлар. Асосий воситаларнинг

эскириши. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усуллари. Корхоналарни моддий-техника базаси. Асосий ва айланма воситалардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, улардан фойдаланишни яхшилаш, самарадорлигини ошириш йўллари.

7. Меҳнат ресурслари, уларнинг бозори, улардан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги

Меҳнат ва меҳнат ресурслари. Меҳнат ресурсларининг ҳуқуқий асослари. Меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш. Ҳозирги шароитдаги меҳнат бозори. Меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар. Меҳнат ресурсларига бўлган талаб. Меҳнат баланси. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги даражаси. Меҳнат унумдорлиги тушунчаси. Меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар. Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи асосий омиллар. Ривожланган давлатлардаги меҳнат унумдорлигига оид илғор ютуқлар. Ривожланиш, инқироз шароитида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари.

8. Инвестициялар манбалари, уларнинг иқтисодий самарадорлиги

Инвестиция ҳақида тушунча, унинг иқтисодий мазмуни ва аҳамияти. Инвестициянинг турлари. Инвестицияларнинг ҳуқуқий асослари. Инвестиция борасидаги давлатнинг сиёсати. Ички ва ташқи инвестициялар. Инвестициялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Қишлоқ хўжалигида инвестицияларга бўлган талаб. Капитал қўйилмаларни лойиҳалаштириш. Ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш. Аграр соҳадаги инвестицион муҳит инвестицияларни қишлоқ хўжалигига жалб этишнинг ҳозирги ҳолати. Ирригация ва мелиорацияга, янги техника, самарали инвестицион технологияларга, чорвачиликка ва бошқа соҳаларга сарфлаётган инвестициялар уларнинг иқтисодий, ижтимоий самарадорлиги. Инвестиция соҳасидаги қарорларни қабул қилиш стратегияси. Инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари. Инвестициялар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш йўллари

9. Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати ва уни ривожлантириш йўллари

Қишлоқ хўжалигида сервис ҳақида тушунча, унинг мазмуни, моҳияти. Қишлоқ хўжалигида сервиснинг зарурлиги, аҳамияти. Ҳукуматнинг қишлоқда сервисни ривожлантириш борасидаги тадбирлари. Тармоқдаги сервис тизими. Сервис турлари, субъектлари. Инфратузилма турлари. Ишлаб чиқариш сервиси.

Қишлоқ хўжалигидаги сервиснинг ҳозирги ҳолати. Унинг муаммолари. Сервис бўйича чет эл тажрибалари. Қишлоқ хўжалигида сервисни ривожлантириш масалалари. Тармоқдаги сервиснинг иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби.

10-мавзу. Қишлоқ хўжалигидаги ялпи ва ўртача харажатлар, уларни камайтириш йўллари

Қишлоқ хўжалигидаги харажатлар, уларнинг аҳамияти. Харажатлар таркиби, уларнинг туркумлаштирилиши. Доимий харажат. Ўзгарувчан харажат. Жорий ва ўртача харажат. Узоқ ва қисқа муддатли харажат. Қўшимча харажатлар. Ишлаб чиқариш. Давр, молиявий ҳамда кўзда тутилмаган харажатлар. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг харажатлари (турлари бўйича) даражаси. Тармоқда етиштирилаётган маҳсулотларнинг ўртача харажатлари (таннархи). Ўртача харажатга таъсир этувчи омиллар. Харажат турларининг маҳсулот таннархидаги салмоғи. Тадбиркорликда бой берилган имкониятлар. Қишлоқ хўжалигида харажатларни тежаш йўллари. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннарх даражаси, динамикаси ва харажатларни қисқартириш, маҳсулотлар таннархларини пасайтириш йўллари.

11. Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти, уларнинг тақсимланиши ва кўпайтириш йўллари

Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти ҳақида тушунча. Тармоқнинг ялпи ва товар маҳсулотига бўлган талаби. Ялпи маҳсулот турлари. Ялпи маҳсулотни баҳолаш турлари. Ялпи маҳсулотнинг миқдори ва қиймати. Деҳқончилик, чорвачиликнинг ялпи маҳсулоти. Ялпи маҳсулотни тақсимлаш ва сотиш йўллари. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг товарлилик даражаси. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлар бозори. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини биржаларда, кўргазмаларда сотиш. Ялпи маҳсулотини кўпайтириш йўллари. Экстенсив ва интенсив йўллар. Қишлоқ хўжалик субъектларидаги ички шартномавий муносабатлар. Шартномалар бажарилиш мониторинги.

12. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳолари, уларнинг такомиллаштирилиши

Мамлакатда товар-пул муносабатлари. Қишлоқ хўжалигида қиймат конунининг ҳаракат қилиши. Баҳонинг иқтисодий мазмуни, аҳамияти, функциялари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, хизматларига баҳоларини белгилаш тартиби. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, хизматларининг баҳолари, уларнинг амалдаги даражаси, динамикаси. Ишлаб чиқариш ресурслари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳолари. Саноат маҳсулотлари

билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўртасидаги муносабатлик. Дотация ва субсидия. Ривожланиш, инкироз шароитида қишлоқ хўжалигидаги баҳоларнинг такомиллаштириш йўллари.

13. Корхоналарнинг даромадлари, фойдалари, уларнинг тақсимланиши. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги

Қишлоқ хўжалигида корхоналарда такрор ишлаб чиқариш, унинг турлари, уларни корхона ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришдаги аҳамияти. Қишлоқ хўжалигида яратилган ялпи ички маҳсулот, корхонанинг ялпи ва пул даромади, уларнинг аҳамиятини ҳисоблаш тартиби. Даромадларни ҳозирги даврда тақсимлаш тартиби, уни такомиллаштирилиши. Корхона фойдаси ҳақида тушунча, унинг турлари, уларнинг аҳамияти ва ҳисоблаш тартиби. Ялпи, соф, иқтисодий фойда. Тармоқнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақида тушунча, унинг даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш тартиби. Тармоқнинг ялпи ички маҳсулотини, ялпи ва пул даромадини, ялпи ва соф фойдасини ўтиш давридаги даражаси, динамикаси. Қишлоқ хўжалигини деҳқончилик, чорвачилик тармоқларининг ҳамда маҳсулотларининг рентабеллик даражаси, динамикаси. Тармоқнинг ялпи ички маҳсулотини, корхоналарнинг ялпи ва пул даромадларини ҳамда фойдаларини кўпайтириш масалалари.

14. Ўсимликчилик тармоқлари иқтисоди

Ўсимликчилик тармоқлари. Тармоқларда етиштирилаётган маҳсулотлар. Уларнинг аҳамияти. Ўсимликчилик тармоқларининг ривожланиши. Иқтисодий самарадорлик даражаси кўрсаткичлар. Экинларга, маҳсулотларга иқтисодий баҳо бериш тартиби. Бозор шароитида ўсимликчилик тармоқларини ривожлантириш масалалари. Экинлар диверсификацияси. Дончилик, пахтачилик, сабзавотчилик тармоқлари иқтисоди, талабни эътиборга олган ҳолда уларни ривожлантириш йўллари.

15. Чорвачилик (қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик) тармоқлари иқтисоди

Чорвачилик тармоқлари. Чорвачилик борасидаги давлатнинг сиёсати. Тармоқларда етиштирилаётган маҳсулотлар. Уларнинг аҳамияти. Чорвачилик тармоқларининг ривожланиши. Чорвачилик маҳсулотига бўлган талаб. Чорвачилик маҳсулотларининг иқтисодий самарадорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар. Тармоқнинг ривожланишининг ҳозирги ҳолати. Қўйчилик, қорамолчилик, паррандачилик иқтисоди. Келажакда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш масалалари.

16. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари юзасидан тадқиқотлар олиб бориш

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари ва бозор шароитида унинг ўзгариш тенденцияси. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари ва ўзига хос хусусиятлари. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибий ўзгаришининг объектив зарурияти ва тенденцияси. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш бўйича хорижий тажрибалардан фойдаланишнинг роли ва аҳамияти.

17. Фермер хўжалигининг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.

Фермер хўжалиги тушунчаси, мақсади, вазифаси, фаолияти ва унинг йўналишлари. Фермер хўжалигини ташкил этиш. Фермер хўжалигининг ташкилий, ҳуқуқий ва ишлаб чиқариш асослари. Фермер хўжаликлари фаолиятида қонун ҳужжатларидан фойдаланиш тартиби. Фермер хўжаликларига ер участкалари бериш тартиби ва ундан фойдаланиш. Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланиш йўллари. Фермер хўжалигида СИУлар фаолиятидан фойдаланиш. СИУдан фойдаланишдаги иқтисодий муносабатлар. Деҳқончиликда суғориш усуллари ва илғор технологиялар.

Иқтисодий алоқалар тушунчаси. Шартнома ва уни тузиш йўллари. Фермер хўжаликларининг фаолиятидаги мувофиқлаштирувчи иқтисодий алоқалар. Фермер хўжалигида бизнес режа ва уни тузиш йўллари. Фермер хўжалигида банк иши ва кредитдан фойдаланиш. Фермер хўжаликларда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштириш харажатларини кредитлаш. Фермер хўжалигида суғурта. Фермер хўжалигида солиқ ва солиқ ставкаси. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар.

18. Деҳқон хўжалигининг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.

Деҳқон хўжалиги тушунчаси, мақсади, вазифаси, фаолияти ва унинг йўналишлари. Деҳқон хўжалигини ташкил этиш. Деҳқон хўжалигининг ташкилий, ҳуқуқий ва ишлаб чиқариш асослари. Деҳқон хўжаликлари фаолиятида қонун ҳужжатларидан фойдаланиш тартиби.

Деҳқон хўжалиги тушунчаси, мақсади, вазифаси, фаолияти ва унинг йўналишлари. Фермер хўжалигини ташкил этиш. Деҳқон хўжалигининг ташкилий, ҳуқуқий ва ишлаб чиқариш асослари. Деҳқон хўжаликлари

фаолиятида қонун ҳужжатларидан фойдаланиш тартиби. Деҳқон хўжаликларига ер участкалари бериш тартиби ва ундан фойдаланиш.

Иқтисодий алоқалар тушунчаси. Шартнома ва уни тузиш йўллари. Деҳқон хўжаликларининг фаолиятидаги мувофиқлаштирувчи иқтисодий алоқалар. Деҳқон хўжалигида бизнес режа ва уни тузиш йўллари. Деҳқон хўжалигида суғурта. Деҳқон хўжалигида солиқ ва солиқ ставкаси. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар.

19. Агрокластерлар ва уларнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.

Агрокластерларни ташкил этиш мақсади, вазифаси, фаолияти ва унинг йўналишлари. Агрокластерларнинг ташкилий, ҳуқуқий ва ишлаб чиқариш асослари. Агрокластерлар фаолиятида қонун ҳужжатларидан фойдаланиш тартиби. Агрокластерларга ер участкалари бериш тартиби ва ундан фойдаланиш. Агрокластерларда СИУлар фаолиятидан фойдаланиш. СИУдан фойдаланишдаги иқтисодий муносабатлар.

Иқтисодий алоқалар тушунчаси. Шартнома ва уни тузиш йўллари. Агрокластерларда бизнес режа ва уни тузиш йўллари. Агрокластерларда банк иши ва кредитдан фойдаланиш. Агрокластерларда суғурта, солиқ ва солиқ ставкаси. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар.

Фойдаланиладиган адабиётлар

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон. 2020 й. 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016. 56 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тарақиёти ва халқ фаровонлигини гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. -48 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Т., Ўзбекистон, 2017. “Газета.uz”
6. У.Умурзаков., У.Сангирова., И.Юнусов. Экономика водного хозяйства. Учебное пособие. ТИИМСХ, 2020 г. 339 стр.
7. Султонов А.С., Худайбергенов З.Я., Қўчқорова С.А. Сув хўжалиги иқтисодиёти. – Тошкент, 2007. - 310 б.
8. Umurzaqov O'., Toshboyev A., Toshboyev A. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti va menejmenti. – Toshkent, 2008.
9. У.Умурзаков., У.Сангирова. Экономика АПК. Учебное пособие. ТИИМСХ 2019
10. Abdug'aniyev A., Abdug'aniyev A.A. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti. - Т.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi adabiyot jamg'armasi, 2006.
11. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Дарслик. 3-нашр, қайта ишланган. – Т.: Иқтисодиёт, 2018. – 256 б.
12. Алиев Я.Э. Инновацион иқтисодиёт. - ўқув қўлланма. – Тошкент, 2019. - 224 б.
13. Алиев Я.Э. ва бошқалар. Иқтисодий хавфсизлик. – Тошкент, 2020. - 464 б.
14. Султонов А. ва бошқалар. Сув хўжалиги қурилиши иқтисоди. - ўқув қўлланма. – Тошкент, 2007. - 250 б.
15. Sultonov A. Va boshqalar. Suv xo'jaligi qurilishi iqtisodi. – o'quv qo'llanma. - TIMI, 2011.
16. Мирзаева М.С. Экономика водохозяйственного строительства. – Ташкент, 2009.
17. Salimov B.T., Yusupov M.S. Dehqon va fermer xo'jaliklari iqtisodi (o'quv qo'llanma). – Т.: TDIU, 2009. - 300 б.

18. Umurzaqov O'., Toshboyev A., Toshboyev A. Fermer xo'jalgi iqtisodiyoti. – Toshkent, 2008.
19. Олимжонов О. ва бошқалар. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2005. - 212 б.
20. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. - Т. Университет, 2005. – 212 б.
21. Чориев Қ., Беркинов Б. Деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш ва юритишнинг ҳуқуқий–меъёрий асослари. - Т.: Шарқ, 2002.
22. Деҳқон ва фермер хўжаликларида шартнома муносабатлари. – Т.: Шарқ, 2002. - 47 б.
23. Деҳқон ва фермер хўжаликларида суғурта тизими. – Т.: Шарқ, 2002. - 316 б.
24. Хусанов Р., Қосимов М. Деҳқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари. - Т.: Чўлпон, 2000.
25. Фармонов Т.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Монография. - Т.: Янги аср авлоди, 2004. - 143 б.
26. Попов Н.А. Экономика сельского хозяйства. Учебник. - М.: Дело и Сервис, 2000.
27. Ҳакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2004. 160 б.
28. Hakimov R. Agrosanoat majmuasi iqtisodiyoti. – Darslik. – Т.: Iqtisodiyot, 2007. – 364 б.
29. Минаков И., Куликов Н., Соколов О. Экономика отраслей АПК. – М.: Колос, 2008. – 464 с.
30. Салимов Б.Т., Ўроқов Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004. - 112 б.
31. Монография - Салимов Б.Т., Салимов Б.Б. “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий асосларини такомиллаштириш”. – Т.: Иқтисодиёт, 2020.
32. Монография - Алиев Я.Э. “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорлари ривожланиши мутаносиблигини таъминлаш йўналишлари”. – Т.: Иқтисодиёт, 2017.
33. Монография - Алиев Я.Э. “Аграр бозорни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш”. – Т. “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2019.
34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи. 2018 йил 8 май.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2018 йил 8 май Халқ сўзи.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 2018 йил 7 май.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги “Тадбиркорликнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларинини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 2018 йил 22 май Халқ сўзи.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал қурилишда лойиҳа ва қурилиш ишларини амалга ошириш тартибини оптималлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2018 йил 23 май.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожатномаси. “Юрт равнақи, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшайлик” Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимда иштрок этган аграр соҳа вакиллариининг республикамиз миришкор деҳқонлари, фермерлар ва соҳа ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожаати 2017 йил декабрь.

Қўшимча адабиётлар

1. A text book of agricultural economics January 2011 Edition: istpublisher: laxmi publications(p) ltd 113, golden house, daryaganj, new delhi - 110002, india telephone : 91-11-4353 2500, 4353 2501 fax : 91-11-2325 2572, 4353 2528 isbn: isbn : 978-93-80856-33-9 edition : first, 2011 pages : 331 price : rs.221.

2. Edition Principles of Agricultural Economics By Andrew Barkley, Paul W. Barkley Copyright Year 2020.

3. Яшевой Г.А., Гранберг А.Г. Кластерная политика в экономике России // Национальные приоритеты России. 2009. № 1, январь-июнь. С. 116–130.

4. Хушматов Н.С., Алиев Я.Э. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожлантиришдаги муҳим назарий масалалар. – Т.: ҚХИИТИ, 2015. -36 б.

6. Хушматов Н.С., Алиев Я.Э. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, агроресурслар ва агрохизматлар бозорларини ривожланиши мутаносиблигини таъминлаш мезонлари юзасидан услубий ёндашувлар. – Т.: ҚХИИТИ, 2016. -36 б.

7. Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. “Аграр сиёсат ва озиқ-овкат хавфсизлиги”. Ўқув қўлланма. Т.: “ЎзР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси нашриёти, 2016. –75 б.

Интернет манбалари

1. www.mineconomy.uz- Ўзбекистон Республикаси Иқсодий тарққиёт ва камбағалликни қисқартиш вазирлиги сайти.

2. www.agro.uz- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги сайти.

3. www.apr.uz- Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги сайти.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси. www.stat.uz

5. www.tsue.uz- Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети сайти.

6. www.omad.uz- Бизнес ривожини учун ахборот портали.

7. <https://www.agroxxi.ru/analiz-rynka-selskhozjaistvennyh-tovarov/mirovye-i-rossiiskie-trendy-v-pererabotke-plodov-i-ovoschei.html>

8. www.lex.uz

9. www.webofscience.com.

10. www.search.ebscohost.com.

11. <http://www.fao.org/zhc/detail-vents/ru/c/413837/>